МУХТОР ХУДОЙҚУЛОВ

МАТБУОТ ВА ЖАМИЯТ

«ЎЗБЕКИСТОН» НАШРИЁТИ
Тошкент — 1976

www.ziyouz.com kutubxonasi

002
X87



Худойкулов М.
Матбуот ва жамият. Т., «Ўзбекистон», 1976.
100 б.

Худайкулов М. Печать и общество.

002

X $\frac{61001 - 052}{M351\ (06)\ 76}$ 5—76

© «ЎЗБЕКИСТОН» нашриёти 1976 й.

www.ziyouz.com kutubxonasi

МУҚАДДИМА

Қишилик жамнятида матбуотнинг тутган ўрни беқиёсдир. Ҳозирги замон ҳаётини — буюк кашфиётлар асри, атом асри, космик парвозлар асри бўлган XX аср ҳаётини матбуотсиз — газета ва журналларсиз, радио ва телевидениесиз тасаввур этиш мумкин эмас. Ҳар куни ротация машиналаридан чиқариб турган юз миллионлаб нусхадан газеталар, ой сайин, ҳафта сайин ўқувчилар қўлига бориб тегаётган журналлар, кечаю-кундуз тинмаётган радиоприёмниклар, хонадонларда доимо порлаб турган «зангори экран» чироқлари — буларнинг ҳаммаси XX аср кишиларининг кундалик турмушига, маънавий ҳаётига чуқур сингиб кетган. Инсон нонсиз, нозу-неъматларсиз яшай олмаганидек, маънавий озиқ бўлмиш матбуот ҳам ҳозирги замон кишиларининг доимий йўлдошига айланган. Бутун Ер куррасини кўз илғамас қон томирлари сингари қамраб олган оммавий ахборот воситалари кишиларга дунёда бўлаётган воқеа, ҳодисалар тўғрисида ҳар куни, ҳар соатда хабар бериб туради, уларнинг онгига, маънавий дунёсига таъсир кўрсатади.

Аммо барча матбуот органларининг кишиларга кўрсатаётган маънавий таъсири бир хилда эмас. Дунёдаги барча кишиларга энг илғор, энг инсоний гояларни — тинчлик, демократия, социализм гояларини тарқатувчи, уларга ҳақиқатни етказувчи совет матбуоти, коммунистик матбуот билан бир қаторда доимий равишда ёлғон-яшиқ, «олди-қочди» хабарлар тўқиб-бичиб, кишилар онгини заҳарловчи буржуа матбуоти, капиталистик матбуот органлари ҳам мавжуддир. Дунё бир-бирига қарама-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қарши икки системага — социализм ва капитализм лагерига бўлинган, улар орасида муросасиз идеологик кураш бормоқда. Бу кураш энг аввало матбуотда ўз ифодасини топмоқда. Инсоният тарихининг ҳамма босқичларидаги каби ҳозирги даврда матбуот — жамият тараққиёти ва тақдирида муҳим роль ўйнамоқда. Совет матбуоти мамлакатимизда коммунизм қурилишининг муҳим масалаларини ҳал этишда партиямиз қўлида қудратли гоявий восита, синфий курашнинг ўткир қуроли сифатида хизмат қилиб келмоқда. Империализм хизматида бўлган буржуа матбуоти эса ўз умрини яшаган буржуа сннфининг манфаатлари учун курашиб, тобора реакционлашиб бормоқда ва капиталистик жамият билан биргаликда тузалмас инқирозга юз тутмоқда.

Кишилик жамиятида, инсоиларнинг ҳаёти ва фаолиятида бунчалик улкан ва зарур ўрин тутиб келаётган матбуотнинг ўзи нима? У қачон ва қандай шароитда пайдо бўлган? Матбуот пайдо бўлишининг ижтимоий сабаблари нимада? Матбуот қандай ички объектив қонунларга бўйсунади? Буржуа матбуотининг халққа ёт моҳияти нимада? Совет матбуотининг жаҳон тарихидаги тамомила янги, коммунистик матбуотга хос ижтимоий роли, функциялари нималардан иборат? У қандай принциплар асосида иш кўради? Журналистика касби қандай касб?

Қўлингиздаги китобдан [illegible] жавоб топишингиз мумкин. Унда матоуот назарияси ва практикасига оид бўлган қатор масалалар матбуот тўғрисидаги марксча-ленинча таълимот асосида баён этилади. Китобда, жумладан, матбуот пайдо бўлишининг ижтимоий-тарихий сабаблари ва унинг синфий моҳияти, матбуот эркинлиги ва унинг амалга оширилиш йўллари, матбуот билан жамоатчилик фикрининг ўзаро муносабати, журналистика касбининг ўзига хос хусусиятлари тўғрисида фикр юритилади. Китобда совет матбуотининг янги типдаги матбуот эканлиги, унинг асосий функциялари ва етакчи принциплари, совет матбуотининг традициялари ва новаторлиги каби масалаларга алоҳида ўрин берилган. Шунингдек, унда буржуа матбуотининг халққа ёт моҳияти ва унинг ярамас иш усуллари фош этилади.

Китобга марксизм-ленинизм классикларининг матбуот тўғрисидаги фикрлари, Коммунистик партия ва Совет ҳукуматининг матбуот органларининг иши ҳақи-

www.ziyouz.com kutubxonasi

қудратли воситага — жамиятга ғоявий таъсир кўрсатиш имконига эга бўлиши билан ажралиб туради. А. В. Луначарский: «Қишилик жамиятига таъсир кўрсатишда вақтли матбуотдан бошқа қудратлироқ восита йўқ», — деб бежиз таъкидламаган эди[1].

Адабиёт ва санъат асарлари ҳаётни бадиий образлар ёрдамида тасвирлаб, ҳаётга билвосита, яъни ўқувчиларнинг ҳис-туйғулари орқали таъсир кўрсатса, матбуот, ўз навбатида, ижтимоий ҳаёт воқеаларини, синфлар ва партияларнинг қарашларини тўппа-тўғри акс эттиради ва ҳаётга бевосита таъсир кўрсата олиш имкониятига эгадир. Бундан—матбуот ҳаётни қуруқ суратга олиш, қандай бўлса, шундайича кўрсатиш билангина шугулланади, деган хулоса келиб чиқмаслиги керак, албатта. Матбуот ижтимоий ҳаёт воқеаларини оддийлигича қайд этмайди, балки турли таъсир воситаларидан, жумладан, публицистикадан, бадиий адабиётнинг типиклаштириш, образ яратиш, сюжет ва бошқа компонентларидан кенг фойдаланади.

Матбуот халқнинг эзгу ўйларн ва ҳис-туйгуларининг эҳтиросли ифодасидир. Шу билан бирликда матбуотнинг ижтимоий вазифаси адабиёт ва санъатга қараганда кенгроқ бўлиб, у муайян гояларни оммага ёйиш билангина чегараланиб қолмасдан, балки уларни ҳаётга тадбиқ этишга ҳам бевосита ташкилий қилади. Матбуот жамият ҳаётининг барча томонларига, шу жумладан, истиқурманинг бошқа элементларига ҳам ўз таъсирини ўтказиши мумкин. Қишилар фаолияти ва жамият ижтимоий-сиёсий ҳаётининг матбуот аралашмайдиган ва матбуот саҳифаларида ўз ифодасини топмайдиган бирор соҳаси, тармоғи йўқ. Матбуот ижтимоий ҳаётнинг ҳамма томонларига доимий ва актив таъсир кўрсатувчи идеологик фактордир. К. Маркс матбуотнинг ана шу хусусиятига кўра унга: «ҳар тарафлама, ҳар ерда ҳозир ва ҳар нарсадан хабардор», — деб таъриф берган эди[2].

Матбуот кишилар турмуши, фаолияти ва маънавий дунёсини ҳамда жамиятга доир барча масалаларни акс эттирар экан, ўз навбатида турли соҳаларга ва хилларга бўлиниб кетади. Жумладан, ижтимоий-сиёсий ҳаётнинг

---

[1] Қаралсин: А. В. Луначарский о печати. Вестник МГУ, «Журналистика», 1968, 2-сон, 50-бет.

[2] *К. Маркс и Ф. Энгельс.* Соч., т. I стр. 55.

www.ziyouz.com kutubxonasi

муҳим масалаларнни ёритувчи ижтимоий-сиёсий журналистика, моддий ишлаб чиқариш масалаларн билан шуғулланувчи иқтисодий-ишлаб чиқариш журналистикаси, воқеликни бадиий адабиёт қонунлари асосида ёритувчи ва бадиий адабиёт пропагандаси учун хизмат қилувчи адабий — бадиий журналистика, ижтимоий иллатларга қарши курашда сатира ва юмор қонуниятларидан фойдаланувчи сатирик журналистика, илм-фанни ривожлантириш ва оммалаштиришга хизмат қилувчи илмий журналистика, воқеликни фотосуратлар орқали тасвирловчи фотожурналистика, техник воситаларга асосланган радио ва тележурналистика, болалар журналистикаси, спорт журналистикаси, ҳарбий журналистика ва бошқа хилларни кўришимиз мумкин. Мавзу доираси ҳамда ҳаётни тасвирлаш принциплари, воситалари жиҳатидан бирбиридан фарқ қилувчи мазкур матбуот соҳалари ва хилларининг барчаси муштарак равишда бир мақсадга қаратилиб, синфлар, партиялар қўлида муҳим идеологик восита, ғоявий кураш қуроли бўлиб хизмат қилади. К. Маркс таъбири билан айтганда, матбуот мураккаб организм бўлиб, у қадамба-қадам, меҳнат тақсимоти орқали бутун ҳақиқатни очиб беради.

Матбуот устқурма элементи сифатида ўз базисига, ўзини вужудга келтирган жамиятга хизмат қилар экан, қайси синфнинг манфаатларини кўзлаши нуқтаи назаридан жамият тараққиётига икки хил — ё салбий, ёки ижобий таъсир кўрсатади ва тарихий ривожланишни ё тезлаштиради ёки унга тўғаноқ бўлади. Ўз умрини яшаб бўлган ва ижтимоий ҳаётдаги янгиликларга йўл бермасликка жон-жаҳди билан уринувчи синфлар манфаати учун хизмат қилувчи реакцион матбуот ҳар доим ижтимоий тараққиёт йўлида гов бўлиб келган. Бундай матбуот тарқатган ғоялар ва қарашлар янгилик куртакларининг пайдо бўлиши ва қарор топишига тўсқинлик қилади янги ижтимоий тартибларни ўрнатишга халақит беради. Жамиятнинг илғор, тараққийпарвар кучларининг манфаатини ҳимоя қилувчи матбуотгина эскиликка ва турғунликка қарши кураш олиб боради, жамият тараққиётининг муҳим масалаларини ҳал этишга ёрдам беради, оммани келажакка ундаб, уни маънавий жиҳатдан тайёрлайди, ҳаёт билан бирга қадам ташлайди ва прогрессив, яратувчилик характерига эга бўлиб, жамият тараққиётини тезлатиш учун хизмат қилади. Матбуот-

www.ziyouz.com kutubxonasi

Буржуазия синфи матбуотга ўзидан олдинги ҳукмрон синфларга қараганда кўпроқ аҳамият берди ва уни ривожлантириш учун маълум тадбирларни амалга оширди. Бу даврга келиб фан-техниканинг ўсиши билан полиграфия саноати вужудга келди ва тез ривожланди, нашриёт ишлари такомиллашди. Умуман олганда, вақтли матбуотнинг ҳозирги даврда мавжуд бўлган формаси XVII асрнинг бошларида, феодализмнинг охири ва капитализмнинг дастлабки даврида вужудга келди, десак тўғри бўлади. Бу феодализм даврида ҳукм сурган оммавий саводсизлик ва жаҳолатга нисбатан олга қараб қўйилган катта тарихий қадам эди. Аммо буржуазиянинг матбуотга бунчалик эътибор беришининг туб сабаблари унинг кишилик жамияти ривожи учун «қайғуриши»да эмас эди, албатта. Балки, матбуот буржуазиянинг ўз синфий манфаатларини амалга ошириши учун курашида қулай восита сифатида жуда қўл келди ва буржуа синфининг ижтимоий организмидан чуқур жой олди. Буржуазия ўз ҳукмронлигини халқ ёрдамисиз ўрната олмас эди. Шунинг учун ҳам у феодализмнинг эскирган ижтимоий тартибларини танқид қилиш ва уни ағдариб ташлаш учун курашга кенг халқ оммасини жалб этишда матбуотдан фойдаланади. У феодал тартибларга қарши курашда халқ оммасини ўз ёнига тортиш учун озодлик, эркинлик, тенглик сингари халқ учун жозибали шиорларни матбуот саҳифасида байроқ қилиб кўтариб чиқди. Бироқ, буржуазия ҳокимиятни ўз қўлига олиши билан бу шиорлардан мунофиқона воз кечди, улар ўз мазмунини йўқотиб, ҳеч нарсага арзимай қолди, чунки табиатан текинхўр синф бўлган буржуазия халқларга ҳечқачон чинакам озодлик ва бошқа эркинликларни бера олмас эди. Буржуа матбуоти ўз синфининг гоявий қуроли сифатида эксплуатацияни оқлаш ва меҳнаткаш халқни буржуазияга тобе қилиб сақлаш учун хизмат қила бошлади. У ўз синфининг барча қарама-қаршиликларини ўзида акс эттириб, ёлғончи ва мунофиқ матбуотга айланди: халқ ҳаракатидан қўрқиш, уни чалгитиш, эксплуатацияни ниқоблаш, буржуа тузумини абадийлаштиришга уриниш буржуа матбуотининг асосий функциясига айланди ва турли ёлғон хабарлар тарқатиш, сотқинлик, рнёкорлик унинг кундалик иш услуби бўлиб қолди. Матбуот буржуазия қўлида оммага ғоявий таъсир этиш воситаси, ўзининг синфий ҳукмронлигини мустаҳкамлаш қуроли бўлиши билан

№ 628473

www.ziyouz.com kutubxonasi